



ISSN 2181-3388  
ujcr.uz  
eISSN 2181-3876

2022. Том 3, SP

# UZBEK JOURNAL OF CASE REPORTS

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ И ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции



**Болезни современной цивилизации:  
междисциплинарные исследования**

Google Scholar

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
**LIBRARY.RU**

**CYBERLENINKA**

**READera**

Тизимли қизил югурик касаллиги- да бош мия пўстлоқ қаватида ривожла- надиган патоморфологик ўзгаришлар <i>Ражабов С.А., Джурабекова А.Т.</i> . . . . . 158	Хоразм вилоятида йўл транспорт ҳодисаларининг учраш даражаси <i>Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.</i> . . . . . 161
Тишларни олингандан кейинги физиотерапия муолажалар <i>Эгамова М.Т., Расулов Ж.Ш.</i> . . . . . 159	Эмлашнинг аҳоли саломатлигига таъсири ва тиббиёт ходимларининг вазифалари <i>Маннапова М.А., Шамансурова Э.А.</i> . . . . . 161
Туғруқ ёшидаги аёлларда семизликнинг асосий хавф омиллари <i>Дадабаева Р.К.</i> . . . . . 159	Юик ва гипертония касаллиги билан оғриган беморларда давога тарафдорликни ошириш <i>Шукурджанова С.М., Нуритдинова Н.Б., Абдуқодиров А.М.</i> . . . . 161
Ўзбекистонда аҳолини оивга скрининг текширувлари натижалари <i>Ражабов Ғ.Х., Бердиева З.И.</i> . . . . . 160	Юрак нуқсони билан касалланган болаларнинг оғиз бўшлиғи гигиена даражасини баҳолаш <i>Мирсалихова Ф.Л., Ҳамроева Д.Ш.</i> . . . . . 162

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ**

Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.

Ургенчский филиал Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи, Ургенч, Узбекистан

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا қараганда дунё мамлакатларида автоҳалокатлар сабабли содир бўлаётган ўлимнинг ҳар бештадан бири Хитой давлатига тўғри келади. 2009 йилда Хитойда 70 000 ўлим ҳолати қайд этилиб, уларнинг кўпчилиги 21-65 ёшдаги эркак аҳолига тўғри келади. Бу ҳолат асосан қишлоқ аҳолиси орасида пиёдалар, йўловчилар, мотоциклчилар ва велосипедчиларга тўғри келган.

Тадиқотнинг мақсади Хоразм вилоятида 2016-2020 йилларда содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларининг учраш даражасини динамикада ўрганиш ва баҳолашдан иборат бўлди.

**Материаллар ва усуллар.** Хоразм вилояти йўл патрул хизматининг 2016-2020 йиллар бўйича автоҳалокатлар тўғрисидаги ҳисоботларида қайд этилган жами 1279 та автоҳалокатлар ҳолати ҳисоботда берилган маълумотлар доирасида ўрганилди.

Ўрганилган 2016-2020 йиллар давомида Хоразм вилоятида йўл транспорт ҳодисаларининг бир мунча камайиши (10%) кузатилсада, унинг даражаси юқорилигича сақланиб қолмоқда. Аслида эса автоҳалокатларнинг

сони статистик маълумотлардагидан юқори. Нега деганда кўпчилик жароҳатланиш, енгил жароҳат олиш ва ўлим ҳолатлари бўлмаган автоҳалокатлар аксарият ҳолларда ҳайдовчилар ўзаро келишсалар бу каби йўл транспорт ҳодисаларилари рўйхатга олинмаслик ҳолатлар мавжуд. Агар келтирилган маълумотларга эътибор билан қаралса, жиддий автоҳалокатларда кўпайиш кузатилишини кўриш мумкин. Масалан, автотранспортларнинг тўқнашишлари 2016 йилда  $27, \pm 0,73\%$  дан 2020 йилда  $37,2 \pm 2,38\%$  га, тўсиққа урилишлар  $-1,85 \pm 0,82$  дан  $3,3 \pm 1,12\%$  га, велосипедга урилишлар  $-11,85 \pm 1,96\%$  дан  $12,0 \pm 2,08\%$  гача, от ёки эшак араваларга урилишлар  $-0,37$  дан  $0,83$  гача ошиши кузатилса, ағдариллишлар, тўхтаб турган транспорт воситасига урилишлар, пиёдаларга урилишларларда оз бўлса ҳам камайишлар кузатилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки вилоятда 2016-2020 йиллар давомида автотранспортларнинг тўқнашишлари, тўсиққа, велосипедга, от ёки эшак араваларга урилишларнинг ошиши кузатилса, ағдариллишлар, тўхтаб турган транспорт воситасига ва пиёдаларга урилишларларини камайиши кузатилган.

**ЭМЛАШНИНГ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ  
ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Маннапова М.А., Шамансурова Э.А.

Ташкентский государственный стоматологический институт, Ташкент, Узбекистан

**Кириш:** кўпгина мамлакатларда болалар популяциясини эмлашда муаммолар мавжуд. Вазиятнинг хавфи нафақат эмланмаган болаларда юзага келадиган инфекцияларнинг асоратлари мавжудлигида, балки аҳоли иммунитетининг самарасизлиги билан касалликнинг кенг тарқалишидир.

**Материаллар ва усуллар.** болалар орасида эмлашни рағбатлантиришда ҳамширанинг ролини аниқлашнинг халқаро тажрибаси тўғрисидаги адабиётлар маълумотларини таҳлил қилиш.

**Тадиқот натижалари.** Эмлаш туфайли иккита энг хавfli инфекцияни – вабо ва чечакни йўқ қилишга эришиш мумкин эди. Инфекцияларни назорат қилишда РВП самарадорлигига қарамай, қизамиқдан ўлим даражаси ҳали ҳам юқори. Ўлим сони 2000 йилдаги 550 100 нафардан 2016 йилда 89 780 нафарга (ва 84 фоизга) камайди, касалланиш даражаси (2016 йилда 7 миллион ҳолат) ташқил қилди[7,1].

Худди шундай ҳолат неонатал даврда учрайдиган қоқшол атрофида ҳам ривожланган. ЖССТнинг таъкидлашича, 49 000 янги туғилган чақалоқ 2013 йилда қоқшолдан вафот этган, 1988 йилда эса ҳаётнинг биринчи ойида 787 000 бола худди шу инфекциядан вафот этган. 2018 йил март ойидан бошлаб 14 мамлакатда қоқшол

ҳали йўқ қилинмаган[2,3]. Европа ва Марказий Осиёнинг аксарият мамлакатларида аҳолининг камида 95% дифтерия, қоқшол ва кўкйўталга қарши уч марта эмланади (АҚДС вакцинаси)[1,6]. Ҳамширалар кўпинча эмлаш жараёни учун масъул бўлган мутахассисларга айланишди, бундан ташқари улар ота-оналар ва беморларга вакциналарнинг профилактик самарадорлиги ва уларнинг хавфсизлиги тўғрисида маълумот беришда асосий рол ўйнайди. Тадиқот натижаларига кўра Salmon ва бошқ. (2005) соғлиқни сақлаш ходимлари вакциналар ҳақида асосий маълумот манбаи бўлиб, ҳамширалар эмлашнинг муҳимлигини тушунишлари ва бу хабарни ота-оналарга етказишлари жуда муҳимдир[5,4].

**Хулоса.** Чет-эл адабиётларини кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, эмлаш зарурати, вакциналарнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги ҳақидаги фикрлар жуда зиддиятли бўлиб чиқди. Эмлашнинг паст қамрови билан боғлиқ муаммоларнинг аксарияти тиббиёт мутахассислари орасида ҳам, ота-оналар орасида ҳам билим етишмаслиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари потенциал ечим бўлиши мумкин. Шу билан бирга, тиббиёт ходимининг (шифокор, ҳамшира) роли катта, чунки улар эмлаш керак бўлган болаларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишди.

**ЮИК ВА ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН  
БЕМОЛЛАРДА ДАВОГА ТАРАФДОРЛИКНИ ОШИРИШ**

Шукурджанова С.М., Нуритдинова Н.Б., Абдуқодиров А.М.

Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

АҚБ назорати долзарб масалалардан бири бўлиб бутун дунёда юқори қон босимини назорат қилиш бугунги кунгача паст даражада сақланиб қолмоқда. АГ билан курашиш барча ривожланган давлатларнинг соғлиқни сақлаш миллий дастурларига киритилган. Дастурлар асосида ишлашга қарамай 20%-35% беморларда АҚБ назорати етарли эмаслиги адабиётларда келтирилган. Шу сабабли АГ ли беморларни фаол аниқлаш, даволаш

ва ўтказилаётган даво самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** ЮИК. Зўриқиш стенокардияси ФС II-III ва гипертония касаллиги билан оғриган беморларда давога тарафдорликни ошириш усуллари ишлаб чиқиш.

**Материал ва усуллар:** Текширувга Сирдарё вилояти Гулистон тумани 14-оилавий поликлиникада назоратда



турувчи ЮИК ва гипертофия касаллиги билан оғриган 252 та бемор олинди (106та эркак, 146 аёл), беморларнинг ўртача ёши 46-75 ёш. Беморлар касаллик бўйича стандарт давони қабул қилганлар. Беморларнинг давога тарафдорлигини аниқлаш учун Мориски-Гринг тестидан фойдаланилди. Беморлар орасида 100 та давога тарафдор, 152та тарафдор бўлмаганлар аниқланди. Давога тарафдор бўлмаган 70 та беморга андройд русумидаги телефонга эслатма дастури юклаб берилди ҳамда 1 ойдан сўнг натижалари аниқланди.

**Текширув натижалари:** Беморларда давога тарафдорликка таъсир қилувчи омиллардан бири хавф омиллари эканлиги аниқланди. Қуйидаги хавф омиллари кўп учради: гиподинамия -71%, наслий мойиллик -90%, семизлик - 58%, чекиш - 48%, кексалар (60-75 ёш) - 37%, эркаклар - 59%. Беморларда қуйидаги клиник белгилар аниқланди. Бош оғриғи - 71%, бош айланиши - 53%, юрак соҳасидаги оғриқ - 35,5%, ҳансираш - 47%,

ҳолсизлик-66%.

Беморларда мобил дастури қўлланилгандан сўнг клиник белгилар қуйидагича ўзгарди: бош оғриғи- 2,4, бош айланиши-2,5, юрак соҳасида оғриқ-2,3, ҳансираш-3,8, ҳолсизлик-3,3 мартага камайиши аниқланди. Беморларда клиник белгиларнинг йўқолиши ёки камайиши, умумий ҳолатини яхшиланиши натижасида давога тарафдорликни ошиши кузатилди. Мобил илова қўлланилган беморларнинг ҳаммасида давога тарафдорликнинг ошиши кузатилди.

**Хулоса:** ЮИК ва гипертофия касаллиги билан оғриган беморлар орасида давога тарафдор бўлмасликнинг кўп учрайдиган сабаблари: жинс (эркаклар), чекиш, гиподинамия, ёшнинг катталиги ва уюшган ҳамда ёндош касалликлар. Мобил дастури қўлланилганида беморларнинг касаллик белгилари камайди натижада давога тарафдорлик ошди.

### ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНА ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Мирсалихова Ф.Л., Ҳамроева Д.Ш.

Ташкентский государственный стоматологический институт, Ташкент, Узбекистан  
Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

**Мавзунинг долзарблиги:** Сўнгги йилларда оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималарида касалликларнинг ривожланишини фақат даволаш чоралари билан тўхташ қийинлиги, баъзан эса имконсизлиги маълум. Шу сабабдан асосий стоматологик касалликларнинг профилактикаси бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тadbик қилиш зарур. Болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасига бағишланган кўп сонли оммалаштирилган маълумотларга ва замонавий турли-туман гигиена воситаларининг мавжудлигига қарамасдан, аҳолининг жуда катта қисмида оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади:** туғма ва орттирилган юрак нуқсони билан касалланган болаларнинг оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш ва клиник тавсифлаш

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Туғма ва орттирилган юрак нуқсони касаллигига чалинган, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлимида даволанишда бўлган ва Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда бўлган, 2-11 ёшдаги 115 нафар бола ва назорат гуруҳидаги 2-11 ёшдаги 25 нафар бола текширилди.

Уларда субъектив, объектив текширувлар олиб борилди. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини текшириш учун G.Green ва I.R. Vermillion усулидан, Федоров-Володкина индексидан, ОНІ-S оғиз бўшлиғи гигиенасининг соддалаштирилган индексидан, тиш қараши ва тиш тоши индексидан, милк ҳолатини баҳолаш учун РМА индексидан фойдаландик.

**Натижалар ва таҳлиллар:** Ушбу текширув кузатув ва назорат гуруҳидаги болаларда ўтказилди. Кузатув гуруҳидаги бемор болалар 2га бўлиб ўрганилди. 1-гуруҳда - 74 нафар туғма юрак нуқсони, 2- гуруҳда - 41 нафар орттирилган юрак нуқсони билан касалланган болалар бўлди.

Оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражасини ўрганишда туғма юрак нуқсони шаклига эга бўлган болаларнинг 3 нафарида оғиз бўшлиғининг яхши даражаси, 8 нафарида қониқарли даражаси, 15 нафарида қониқарсиз даража, 26 нафарида ёмон даража ва 22 нафарида жуда ёмон даража аниқланди. Оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражасини ўрганишда орттирилган юрак нуқсони шаклига эга бўлган болаларнинг 1 нафарида оғиз бўшлиғининг қониқарли даражаси, 5 нафарида қониқарсиз даража, 17 нафарида ёмон даража ва 18 нафарида жуда ёмон даража аниқланди. Оғиз бўшлиғи гигиенасининг даражасини ўрганишда назорат гуруҳидаги болаларнинг 5 нафарида оғиз бўшлиғининг яхши даражаси, 4 нафарида қониқарли даражаси, 8 нафарида қониқарсиз даража, 6 нафарида ёмон даража ва 2 нафарида жуда ёмон даража аниқланди.

**Хулоса:** Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, юрак нуқсони билан касалланган болаларда оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ўз тенгдошларига нисбатан жуда паст даражада эканлиги аниқланди. Шуни эътиборга олиб, бу гуруҳдаги беморларга стоматологик ёрдам кўрсатганда асосий касаллиги ривожланишининг патологик механизмини ҳисобга олган ҳолда комплекс ёндашув асосида амалга ошириш зарур.